“AUTOSANOAT AGRO LIZING”

Lizing kompaniyasi

Mas’uliyati cheklangan jamiyati

“AUTOSANOAT AGRO LEASING”

Leasing Company in a from of

Limited Liability Company

Комплаенс - коррупцияга тўсиқ

Коррупцияга қарши кураш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари



«Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади»

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик бир қатор халқаро ташкилотлар билан амалга оширилади

Европа Иттифоқи,

UNODC (БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича идораси),

UNDP (БМТ тараққиёт дастури),

OSCE (Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти)

OECD (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти

FATF (Ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши ташкилот

EGMONT GROUP (Молиявий разведкалар уюшмаси)

European Union

2005 й. 23 мартда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияга (2000й. 15 ноябрь) қўшилди

2010 й. мартда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилди



2008 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияга (2003 й. 31 октябрь) қўшилди

2011 йил 13 декабрда Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битимини (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилган.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва моҳияти

Қонун 6-та боб, 34-моддадан иборат



Якунловчи қоидалар

Умумий қоидалар

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар

Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилган.

“2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ”ДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида, «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан, еттита устувор йўналишдан иборат “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тасдиқланган. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.** Стратегияда, Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш ҳамда Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадлари белгиланган.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ
2022-2026

“Ўзавтосаноат” АЖ Коррупцияга қарши курашиш мақсадида Комплаенс хизмати соҳасида илк бор 2019 йил 23 августдаги “Ўзавтосаноат” АЖ тизим корхоналарида бошқарувни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида”ги 07-131-сонли буйруғига асосан ташкил этилган.

Комплаенс ўзи нима?

Комплаенс сўзи - инглиз тилидан таржима қилинганда “мувофиқлик, келишув, розилик” маъноларини англатади.

Комплаенс сўзи амалиётда корхонанинг ишчи-ходимлари ва етказиб берувчилар томонидан содир этиладиган коррупцион хатти-ҳаракатлар ва порахўрликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тушунилади.

“Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг 2023 йил 04 октябрдаги “Комплаенс назоратига оид ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тизимлаштириш тўғрисида”ги 31-и/ч-сонли буйруғига асосан Комплаенс соҳасида қуйидаги сиёсатларни амалга ошириш белгиланган:

1. Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш сиёсати
2. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти
3. Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсат
4. Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти
5. Ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома
6. Бизнес ҳамкорларнинг одоб аҳлоқ кодекси
7. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома
8. Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти
9. Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом

1. Хизмат текширувларини ўтказиш процедураси
2. Бизнес ҳамкорларнинг одоб аҳлоқ кодекси
3. Хайрия ва тижорат хомийлиги бўйича сиёсат
4. Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати
5. Санкциялар ва экспорт назорати сиёсати
6. Совғалар, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ва саёҳат қилиш ҳақида процедура
7. Ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низом
8. Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида низом
9. Ходимларнинг одоб-ахлоқ Қоидалари
10. Коррупцияга оид ҳуқубузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом
11. Жамият ходимлари томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида низом
12. Хизмат текшируви ва уни ўтказилиши тартиби тўғрисида низом

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖНИНГ
ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА СИЁСАТИ.

- Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ушбу сиёсат, “Autosanoat agro lizing” МЧЖда ҳалоллик сиёсатини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак хулқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида жамият ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.
- Шунингдек, мазкур сиёсатнинг қўлланилиш предмети, соҳаси ва мақсади ифодаланган ва бошқа амалдаги сиёсатлар ҳамда процедуралар порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижро учун минимал мажбурий стандартларни ўрнатиши, ушбу соҳада рискларни бошқариш бўйича изчил ишлар ўтказилишини таъминлаши кўзда тутилган.
- Шунинг билан бир қаторда, ушбу сиёсатда коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари: қонунийлик, коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик), очиқлик ва шаффофлик, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги, илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, коррупциявий ҳаракатга доир ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда тўғридан-тўғри Жамият раҳбарига ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиши мумкинлиги ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш чоралари кўрилишидан иборатлиги ёритилган.
- Юқоридагилар билан бирга, мазкур сиёсат мазмуни, коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари, коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари ҳамда коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар ва маслаҳатлар берилиши каби масалалар бўйича йўналишлар берилган.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ

- Мазкур услубиёт “Autosanoat agro lizing” МЧЖ да (бундан буён – «Жамият») юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган. Жумладан:
- Жамият фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;
- коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.
- Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун ҳар йили коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши билан функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Жамиятнинг ички ҳужжатлари ўзгариши;
- Жамият тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;
- Жамият функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши;
- Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Комплаенс хизмати томонидан Жамият раҳбари топшириғи асосида амалга оширилиши;
- Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Комплаенс хизмати томонидан амалга оширилиш лозим бўлган вазифалар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда Жамиятда хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштириш масалалари ёритилган.

AUTOSANOAT AGRO LIZING” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ БЎЙИЧА СИЁСАТИ

- Манфаатлар тўқнашуви бўйича мазкур сиёсатда манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки унинг пайдо бўлиш хавфи мавжуд деб тахмин қилиш учун асос борлигида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга ва очиқлик ҳамда шаффофлик муҳитини яратишга қаратилган тавсиялар баён этилган.
- Мазкур сиёсат мавжуд, таҳмин қилинган ва яширин манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, ошкор қилиш, баҳолаш, ҳал этиш ва тасдиқлаш механизмларини назарда тутади.
- Ушбу Сиёсат, ҳалол ва ахлоқий хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, битимларни виждонан тузиш, мавжуд ёки кўзга ташланган манфаатлар тўқнашувини ахлоқий тартибга солиш, манфаатлар тўқнашувини тўлиқ, виждонан, аниқ, ўз вақтида ва тушунарли тарзда баён этиш, амалдаги қонунлар, қоидалар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ушбу Сиёсат бузилганлигининг ҳар қандай ҳолати тўғрисида тезкор ички хабар бериш ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш масадида ишлаб чиқилган.
- Мазкур сиёсат билан манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг тамойиллари, манфаатлар тўқнашувининг турлари, масъул таркибий тузилмалар ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари, манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби, манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари, манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотни ошкор қилиш, манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш масалалари ёритилган ва ушбу ахборотнинг конфеденциаллиги қайд қилинган.
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ва Жамиятнинг ҳар бир ходими ушбу Сиёсатга риоя қилиш учун жавобгардир. Ушбу Сиёсатдан ҳар қандай оғишлар Комплаенс хизмати томонидан маъқулланиши керак.
- Ички аудит хизмати Жамият раҳбариятига ушбу Сиёсатнинг самарадорлиги ва унга риоя этилиши тўғрисида мустақил кафолатлар бериши мумкин.
- Барча жамият ходимлари томонидан вақти-вақти билан ушбу Сиёсатга амал қилишаётгани тўғрисидаги далилларни тақдим этишлари шарт.

АЛОҚА КАНАЛЛАРИ ОРҚАЛИ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА “AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖга КЕЛИБ ТУШГАН ХАБАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ РЕГЛАМЕНТИ

- Мазкур Регламент, “Autosanoat agro lizing” МЧЖда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ходимларнинг Одоб-ахлоқ кодекси, Жамиятнинг порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги сиёсат ва тартиб-таомиллари, амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг бузилиши ҳамда Жамият ёки ходимларга дахлдор ноўрин хатти-ҳаракатлар ёхуд потенциал қоидабузарликлар ҳақида зудлик билан хабар бериш зарурлиги хусусида аниқ баёнот бериш, мумкин бўлган қоидабузарликлар ёки нотўғри хатти-ҳаракатлар тўғрисида, хавотир ва муаммолар юзасидан хабар беришнинг тегишли усуллари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш ҳамда ходимларга таъқибдан қўрқмаган ҳолда хавотир ва муаммолар юзасидан хабар бериш имкониятини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.
- Шунингдек, жамиятдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва жмият раҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилаш, барча ходимлар, бизнес ҳамкорлар ёки учинчи шахсларни улар ноқонуний, ахлоқсиз, қонундан ташқари ёки ноўрин хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин деган гумон қилган муаммолар тўғрисида махфий мурожаат қилиши ва хабар беришида қўллаб-қувватлаш, маълумотларнинг жиддий ва махфий тартибда кўриб чиқилиши, шу боис ариза берувчи бирон-бир жавоб чораларидан хавфсирамаслиги мумкинлиги бўйича ишончни таъминлаш ҳамда очиқлик, инсофлилик ва ҳалоллик билан боғлиқ комплаенс маданиятини ёйиш ва ривожлантиришда ёрдам беришга қаратилган.
- Шунинг билан бирга, коррупцияга оид ҳаракатлар ёки қоидабузарликлар ҳақида алоқа каналлари орқали келиб тушаётган тегишли хабарларни қабул қилиш ва уларни мазмунан кўриб чиқиш ҳамда ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланиб белгиланган тартибда мурожаатчига юборилиши муддатлари кўрсатилган.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖ ХОДИМЛАРИНИНГ ЭТИКА ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ЎҚИТИЛИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

- Ушбу Йўриқнома “Autosanoat agro lizing” МЧЖда ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш ҳамда коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.
- Шунингдек, мазкур йўриқномада ўқитишнинг устувор вазифалари, ўқитиш шакллари ва усулларини аниқлаш борасида коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, Жамиятнинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш масаласи ёритилган.
- Жамият ходимларида коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор, Жамиятнинг этик хулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш кўзда тутилган.
- Шунингдек, ходимларни ўқитиш режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва этик хулқ-атвори қоидалари натижалари бўйича ўрганилган материал қанчалик ўзлаштирилгани ҳамда амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган тест синовлари топшириши лозимлиги кўзда тутилган.
- Жамият ходимлари саволларнинг камида 80 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Жамият ходимларининг этик хулқ-атвори қоидаларини муваффақиятли ўзлаштирган ҳисобланади. Агар ходим саволларнинг 80 фоизидан камига тўғри жавоб берган бўлса, у такрорий тест синовларини тест топширган кундан бошлаб 30 иш куни ичида топшириши мумкин.
- Жамиятга ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга кирган ёки янги лавозимга ўтган вақтдан бошлаб 30 кун ичида коррупцияга қарши ва Жамият ходимларининг этика ва хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИНИ КОМПЛЕКС ТЕКШИРИШ ПРОЦЕДУРАСИ

- Бизнес ҳамкорни текширишдан мақсад:
- Жамият ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;
- инсофсиз ижроси билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;
- харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;
- Бизнес ҳамкор билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилишдан иборат.
- Шунингдек, мазкур процедурада ишончлиликни текшириш, давлат харидлари ва/ёки маҳаллий бизнес ҳамкорларни текширишнинг ўзига хос хусусиятлари, процедурани амалга ошириш ва унинг талабларига риоя этилишини таъминлаш, текшириш ҳужжатларини сақлаш тартиби ҳамда Бизнес ҳамкорни маъқуллаш муддати ва текширувни қайта ўтказиш масалалари ёритилган.
- Ўтказилган текширув натижалари бўйича, Боғланиш учун шахс (ижрочи) томонидан ўтказилган текшириш натижаси юзасидан тақдим қилинган таҳлил ҳужжатлари асосида Комплаенс хизмати ходими томонидан хулоса тузилади. Бизнес ҳамкор (контрагент) текшируви натижалари тўғрисидаги хулосага ижрочи ўтказилган таҳлил ва таҳлилни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни илова қилади.
- Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви аломатлари аниқланган тақдирда Боғланиш учун шахс уни тартибга солиш зарурияти тўғрисида чораларни кўриш бўйича Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга таклиф киритади. Агар манфаатлар тўқнашуви аломатлари Жамият ходимларида аниқланган бўлса, бу ҳақда Комплаенс хизмати хабардор қилади. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича ўтказилган таҳлил якунлари ва уни тартибга солиш бўйича чоралар ҳам Бизнес ҳамкор (контрагент) текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада акс эттирилиши кўзда утилган.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИГА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН НОМЗОДЛАРНИ КОМПЛЕКС ТЕКШИРИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

- Ушбу Йўриқнома “Autosanoat agro lizing” МЧЖга ишга қабул қилишда номзодлар текширувини ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади.
- Мазкур Йўриқнома мақсади, номзод томонидан тақдим этилган профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлик ва тижорат алоқалари ҳақидаги маълумотларни текшириш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳалол, сифатли, пухта, холис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;
- Жамиятда лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш Жамият учун обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;
- раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олишдан иборат.
- Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талабларга биноан, текширув коррупцион хавфни таҳлил қилишда аниқланган хавф даражаси пастдан юқори бўлган доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича қабул қилинган номзодларга нисбатан амалга оширилади.
- Номзод томонидан уни текширишни амалга оширадиган ижрочи тузилма ходимига текширувни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 124-моддасига мувофиқ ишга қабул қилинаётганда талаб этиладиган ҳужжатлар нусхалари ҳамда номзод томонидан Жамиятдаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички идоравий ҳужжатга мувофиқ шаклда тўлдирилган ва имзоланган декларация нусхаси этилади.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ МОНИТОРИНГ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТИ

- Мазкур Услубиёт “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг ички норматив ҳужжати ҳисобланади ва Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички норматив ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди.
- Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Жамиятнинг Комплаенс хизмати томонидан амалга оширилади.
- Мониторинг ва назоратнинг асосий мақсади Жамият фаолиятининг коррупцияга қарши қабул қилинган талабларга мувофиқлигини текшириш;
- коррупцияга оид ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва коррупцияга қарши тадбиқ этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш ва баҳолаш;
- камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали Жамиятнинг коррупцияга қарши комплаенс тизимини такомиллаштириш;
- Жамиятда аввалги ўтказилган мониторинг натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари, бошқа назорат чоралари ва улар доирасида тақдим этилган тавсияларга риоя қилиниши, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш режасида тасдиқланган бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилишдан иборат.
- Шунингдек, мазкур услубиётда коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат ўтказиш йўналишлари ва тадбирлари, ички локал коррупцияга қарши тизим мониторингини ўтказиш тартиби ҳамда жамиятдаги коррупцияга қарши тизимнинг назоратини амалга ошириш масалалари ёритилган.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ БЎЙИЧА НИЗОМ

- Мазкур Низом “Autosanoat agro lizing” МЧЖда (кейинги ўринларда – Жамият) коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.
- Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш учун маъсулият Жамиятнинг Комплаенс хизмати зиммасида ҳамда жамиятнинг таркибий бўлинмалари ҳисоботини тақдим қилиш учун маъсулият таркибий бўлинмалар ёки соҳалар кесимида фаолият юритувчи коррупцияга қарши ички назорат учун масъул ходим зиммасида эканлиги қайд қилинган.
- Ушбу низомда, Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисоботни шакллантириш тартиби ва ушбу ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш мақсадида тузилиши баён қилинган.
- Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар, тузилади.
- Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот Комплаенс хизмати томонидан Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисобот билан бир вақтда тузилади ва жамият раҳбари томонидан кўриб чиқилгандан кейин Агентликка юборилади.

AUTOSANOAT AGRO LIZING” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ ХИЗМАТ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ПРОЦЕДУРАСИ

- Ушбу Процедура мақсади “Autosanoat agro lizing” МЧЖ ходимлари ва бизнес ҳамкорлар, шунингдек, компания номидан у ёки бу тарзда фаолият юритадиган бошқа ташкилотлар ёки шахсларга алоқадор потенциал қоидабузарликлар тўғрисида ишончли хабарлар асосида хизмат текширувларини ўтказиш бўйича ягона стандарт яратишдир.

- Ушбу Процедура Компаниядаги хизмат текшируви жараёнининг тегишли босқичлари учун масъул ходимларга нисбатан қўлланилади. Мазкур Процедура Компания томонидан хизмат текширувларини олиб бориши мумкин бўлган хабарларни баҳолаш учун фойдаланадиган жараёнларни, шунингдек, Ходимлар одоб-ахлоқ кодекси ва Бизнес ҳамкорларининг одоб-ахлоқ кодексининг, шунингдек, Компания сиёсати ва тартиблари тамойилларининг бузилиши муносабати билан хизмат текширувларини ўтказиш ва хизмат текшируви натижаларини кўриб чиқиш вазифаларини тавсифлайди.

- Шунингдек, барча ички текширувларнинг асослантирувчи тамойиллари, холислик, амалдаги қонунчиликка риоя қилган ҳолда профессионал ёндашув ва фактларни ҳисобга олиш, адолат ва изчиллик билан ёндашиш, анонимлик ва махфийликни сақлаш, Ўч олиш ёки ҳисоблашишни истисно қилиш, муддатларга риоя қилган ҳолда аниқ ҳужжатлаштириш билан бирга хизмат текширувини ўтказиш тартиби баён қилинган.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖНИНГ БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ

- Ушбу Кодекс Бизнес ҳамкорларга, шунингдек, уларнинг шўъба ва тобе корхоналарига, лицензияланган ёки ваколатли дистрибьюторлар ва расмий дилер вазифасини бажарувчи ҳамда жамият маҳсулотларини сотадиган агентларга нисбатан қўлланилади. Биз Бизнес ҳамкорларимиз ўз ҳамкорларидан ушбу Кодекс тамойилларини тегишли даражада қабул қилинишини қаттиқ талаб қиламиз.

- Шунингдек, жамиятнинг бизнес ҳамкорлари билан мулоқот ва иқтисодий алоқа давомида, ахлоқий хатти-ҳаракатлар, фаолиятда ҳалоллик, эришилган натижада тўхтаб қолмаслик, амалдаги қонунчиликка риоя қилиш, совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари, шахсий маълумотларнинг махфийлиги ва муҳофазаси, рақобатни чекловчи ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви, интеллектуал мулк, пул маблағларини ювиш, оғзаки шартномаларни тақиқлаш, халқаро савдо ва иқтисодий санкциялар, инсон ҳуқуқлари, мажбурий меҳнат, болалар меҳнати, муносабатларнинг очиқлиги ва ҳалоллиги, камситишга йўл қўймаслик, соғлиқ ва меҳнат муҳофазаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ифлосланишнинг олдини олиш, минерал хом ашё манбаларини танлашга масъулият билан ёндашиш, ҳисобга олишнинг аниқлиги ва тўлиқлиги ва ушбу кодексга риоя қилиш бўйича комплаенс дастури бўйича амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ёритилган.

- Шунинг билан бир қаторда, Бизнес ҳамкорлар ушбу кодекснинг мумкин бўлган ёки маълум бўлган бузилишлари тўғрисида дарҳол хабар беришлари шартлиги баён қилинган.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖНИНГ ХАЙРИЯ ВА ТИЖОРАТ ҲОМИЙЛИГИ БЎЙИЧА СИЁСАТИ

- Мазкур Сиёсат риоя этилиши шарт бўлган тамойилларни ва “Autosanoat agro lizing” МЧЖ томонидан Ижтимоий инвестициялар ва Хайрия эҳсонлари, шунингдек, Тижорат ҳомийлигини амалга ошириш ёки хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул **қилиш** жараёнида амалдаги қонунчиликнинг бажарилишини ва ўз обрўсини ҳимоя қилишини таъминлаш қоидаларини тушунтиради. Компания ҳар хил турдаги ёрдамни нақд ва натура шаклида тақдим этиши мумкин.
- Ушбу Сиёсат мақсади ихтисослаштирилган маблағлар доирасида **Хайрия** ва **Тижорат** ҳомийлигини амалга ошириш учун харажатларни режалаштиришда ёки хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилишда шаффофликни таъминлаш ва самарали бошқаришдан иборат.
- Компания қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Компаниянинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.
- Шунингдек, ушбу сиёсатда хайрияни амалга ошириш ҳамда тижорат ҳомийлигини амалга ошириш тартиблари баён қилинган.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖНИНГ ЖИНОЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА (ЮВИШГА) ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

- Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Сиёсатининг мақсади, жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш учун ишлатилиши мумкин бўлган фаолиятига талабларни белгилашдан иборат.
- Ходимлар ва Бизнес ҳамкорлар жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка ушбу Сиёсат ва Жамиятнинг бошқа маҳаллий ҳужжатларига мувофиқ риоя этишлари шарт.
- Сиёсат Жамиятга инвестиция қилишда, молиявий ёрдам тақдим этишда, шунингдек Жамият томонидан молиявий ёрдам тақдим этишда, хайрия ва тижорат ҳомийлигини кўрсатишда, Бизнес ҳамкорларнинг комплекс текшируви доирасида шартномалар учун тўловларни амалга оширишда қўлланилади
- Жамият жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ таҳдидларни эътироф этади ва унга қарши курашиш соҳасида амалдаги қонунчиликка риоя қилишни устувор вазифа деб билади.
- Ушбу Сиёсат, жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилиш;
- операцияларни тўғри ва етарлича батафсил акс эттирадиган, ёлғон ёки чалғитувчи маълумотларни ўз ичига олмаган тўлиқ ҳамда аниқ бухгалтерия ҳисоботлари ва ёзувларини юритиш каби мажбурий талабларни белгилайди.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ САНКЦИЯЛАР ВА ЭКСПОРТ НАЗОРАТИ СИЁСАТИ

- Санкциялар ва экспорт назорати сиёсатининг мақсади “Autosanoat agro lizing” МЧЖ ва барча мамлакатларда амалдаги барча санкциялар ва экспорт назорати тўғрисидаги қонунларга риоя қилишдан иборат.
- Ушбу Сиёсат риоя қилиниши керак бўлган минимал стандартни белгилайди. Агар миллий қонунчиликда юқорироқ талаблар белгиланса, компания ушбу талабларга риоя қилади. Агар Назорат қилинадиган объект ушбу Сиёсатда кўрсатилганидан камроқ қатъий талабларни ўрнатадиган ҳар қандай стандартни қабул қилмоқчи бўлса, у Мувофиқлик ва Операцион хавфларни мониторинг қилиш бўлимидан ёзма рухсат олиши керак.
- Ҳукумат амалдаги Санкциялар ва Экспорт назорати режимлари талабларига риоя қилмаган субъектларга нисбатан катта миқдорда жарима солади. Компания томонидан амалдаги санкциялар ва экспорт назоратига риоя қилмаслик, шунингдек, бизнес ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор томонлар учун ҳуқуқий ва молиявий хавфнинг ошишига олиб келиши мумкин. Айниқса, молия институтлари одатда қатъий мувофиқлик назорати остида бўладилар ва улар одатда молиялаштириш ёки транзакцияни қўллаб-қувватловчи ҳар қандай томонга нисбатан қаттиқ ички сиёсатга эга.
- Агар Компания санкциялар ёки Экспорт назоратига риоя қилмаса ёки бундай мувофиқликни таъминлаш тартиб-қоидаларига риоя қилмаса, Компания жиддий операцион, молиявий ва обрўли (йўқотиш) оқибатларга олиб келиши мумкин.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ СОВҒАЛАР, МЕҲМОНДЎСТЛИК, ЎЙИН-КУЛГИ ВА САЁҲАТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА ПРОЦЕДУРАСИ

- Совғалар бериш ёки олиш, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ёки саёҳат бизнес қарорларига таъсир қилиши мумкин. Бизнес қарорлари ҳеч қачон шахсий манфаат учун қабул қилинмаслиги керак. Жамият ходимлари совғалар, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ва саёҳат бизнес қарорларига таъсир қилмаслиги учун тартиб-қоидаларга риоя қилишлари керак.
- Ушбу процедура минимал стандартларни ифодалайди. агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қатъийроқ қоидалар назарда тутилган бўлса, Жамият уларга амал қилади.
- Ҳеч кимга (шу жумладан давлат амалдорларига) совғалар ва меҳмондўстлик таклиф қилинмаслиги керак, агар бу уларга ёки уларнинг Жамият билан муносабатларида қабул қиладиган қарорларига нотўғри ёки ноқонуний таъсир кўрсатиши мумкин бўлса.
- Фаолиятни амалга ошириш вақтидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 50 АҚШ долларидан ортиқ эквивалентдаги кўнгилочар харажатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай ҳолларда, мувофиқлик бўйича мутахассис ёки мувофиқлик хизмати билан маслаҳатлашиш керак. Мувофиқлик бўйича мутахассис ёки Мувофиқлик хизмати қуйидаги ҳужжатларни қўшимча хат ёки открыткага киритиш кераклигини ҳал қилади:
- олувчининг совға ёки меҳмондўстликни олиш учун ташкилотнинг рухсатига эга бўлишини таъминлаш ёки,
- совға олиш, тадбирда қатнашиш унинг ташкилот сиёсатини бузмаслигини текшириш сўрови.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИГА ХОДИМЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

- Мазкур Низом “Autosanoat agro lizing”да (кейинги ўринларда – Компания) номзодларни лавозимларга танлаш талабларини, асосий тамойил ва қоидаларини белгилаб беради.
- Номзодларни танлаш тартибининг асосий вазифаси, Компания олдида турган мақсад ва вазифаларни бажариш учун Компанияни керакли малакали ходимлар билан ўз вақтида таъминлашдан иборат.
- Ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш жараёни Жамият бош директорига киритилган Ариза ва Лавозим йўриқномаси тасдиқлангандан сўнг ходимни танлов асосида ишга қабул қилиш жараёни бошланади.
- Тасдиқланган Ариза ва Лавозим йўриқномасини олган Ижро этувчи ходим, ундаги талаблар асосида номзодларни излайди. Қидирув, веб-сайтда эълон бериш, бўш иш ўринлари сайтида, ижтимоий тармоқларда, мобил иловаларда, электрон манзил орқали, тавсия ва бошқалар орқали амалга оширилади.
- Аввал ички номзодлар учун бўш иш ўринлари тўғрисидаги эълон ички ёки бошқа тизим орқали жойлаштирилади ва бир ҳафта ичида бўш иш ўринларини тўлдириш мақсадида танловда қатнашиш истагини билдирган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар йиғилади ва таҳлил қилинади.
- Муносиб ички номзод мавжуд бўлмаганда, Ижро этувчи ташқи ресурслар орқали номзод қидирувини бошлайди ва номзодлар икки босқичдан ўтгани ҳолда ишга қабул қилинади.
- Коррупцион хавфни таҳлил қилишда аниқланган хавф даражаси пастдан юқори бўлган лавозимларга, хусусан, лекин қуйида кўрсатилган лавозимлар билан чекланмасдан, Раҳбарлик лавозимига кўрилаётган номзодлар билан меҳнат шартномасини тузишга, фақатгина Комплаенс хизмати томонидан “Autosanoat agro lizing”га ишга қабул қилинаётган номзодларни комплекс текшириш бўйича йўриқномасига мувофиқ комплекс текшируви якунлангандан (ижобий хулоса мавжуд бўлган тақдирда) кейин рухсат берилади

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

- Ушбу Низом, “Autosanoat agro lizing” МЧЖда Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини тартибга солиши билан бирга, жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларини олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилган.
- Комиссиянинг асосий вазифалари, Жамият ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва ходимлар томонидан унга риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;
- – Жамият ходимлари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган ҳаракатларнинг олдини олишга бўйича тадбирларни амалга ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг Жамият ходимларини хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;
- – Ходимлар қадр-қимматини ҳимоя қилиш ва одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- – Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таҳлил қилиш ва бу ҳақда Жамият раҳбарини хабардор қилишдан иборат.
- Комиссия ўз ваколатлари доирасида, Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади ва одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди;
- Шунингдек, одоб-ахлоқ қоидаларига оид масалалар юзасидан Жамият ходимларига тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради ҳамда зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чиқилган масалалар бўйича Жамият ходимини интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан Жамият раҳбарига таклиф киритади.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

- “Autosanoat agro lizing” МЧЖ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари, жамият ходимларининг касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.
- Одоб-ахлоқ қоидалари ходимларнинг иш фаолиятида юксак касбий маданиятни шакллантириш, Жамиятга ҳалқнинг ишончини ошириш ҳамда Жамият ходимларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.
- Жамият ходимлари ўз функционал вазифаларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.
- Шунингдек, мазкур одоб-ахлоқ қоидаларида касбий маданият, хизмат фаолияти, хизматдан ташқари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатлар, хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услуби, манфаатлар тўқнашуви, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, коррупция ва порахўрлик, хайрия эҳсонлари ва тижорат ҳомийликлари, корпоратив молиявий ҳисобот, бизнес ҳамкорлар ва рақобатчилар, жамият ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик масалалри баён қилинган

AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖНИНГ КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ЁКИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА БОШҚА ТАРЗДА КЎМАКЛАШГАН ШАХСЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ

- Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги ПҚ-81-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги 829-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, "Autosanoat Agrolizing" МЧЖда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.
- Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ўзларига нисбатан пора талаб қилган шахс ҳақида ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга берган хабари бўйича бундай ҳуқуқбузарлик фош этилиши ҳамда Жамият ходими ўзига нисбатан пора беришни таклиф этган ёки пора талаб қилган шахс ҳақида ёхуд ўзига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида Комплаенс хизматига берган хабарига биноан ҳуқуқбузарлик фош этилиши, ушбу шахсларни рағбатлантириш борасида асос бўлади.
- Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласи, Комплаенс хизматининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисидаги хизмат хати ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида «Autosanoat Agrolizing» МЧЖ ҳузурида тузиладиган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади ва унинг қарори хизмат хати орқали Жамиятнинг тегишли бўлимига ижро учун юборилади.

“AUTOSANOAT AGRO LIZING” МЧЖ ХИЗМАТ ТЕКШИРУВИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА НИЗОМ

- Мазкур низом, “Autosanoat Agrolizing” МЧЖда хизмат текширувлари ўтказилишини ягона тартибини ўрнатиш мақсадида қабул қилинган ва жамиятнинг маҳаллий ҳужжати бўлиб, жамиятнинг барча ходимлари томонидан ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда мажбурий юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир.
- Хизмат текширувларини амалга ошириш мақсадлари – ходимнинг интизомитй интизомий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги фактини аниқлаш, уни содир этишда ходимнинг айбини, ходимнинг интизомий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва шартларини ҳамда “Autosanoat Agrolizing” МЧЖ томонидан етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг характери ва ҳажмини аниқлашдан иборат.
- Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун, оммавий ахборот воситаларидаги хабарлар, ходимнинг бевосита рахбарининг билдиришномаси, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шунингдек, ходим томонидан интизомий ҳуқубузарлик содир этганлигига ишонч берадиган бошқа маълумотлар асос бўлади.
- Ходимга нисбатан хизмат текшируви ўтказилиши тўғрисидаги қарор “Autosanoat Agrolizing” МЧЖ томонидан тегишли буйруқ билан расмийлаштирилиши, ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, ушбу буйруқ ҳамда хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссия таркиби билан (имзо орқали) танишган бўлиши лозим.
- Шунингдек, мазкур низомда хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссиянинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, хизмат текшируви муддатлари, хизмат текшируви якуни бўйича расмийлаштирилган далолатнома юзасидан қабул қилинган қарор жамият раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилиши қайд қилинган.

Комплаенс бўйича ўрганиш йўналишлари

01 Мониторинг, тахлил ва истиқболни белгилаш

02 Кадр сиёсати, комплаенсга оид талабларни ўрганиш

03 Молия ва иқтисодий сохалардаги хавфларни ўрганиш

04 Харидларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган хавфларни ўрганиш

05 Мижозларнинг лизингга техника олиш учун тақдим этган хужжатларини ўрганиш

06 Лизинг қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини ўрганиш

07 Лизинг хизматини амалга оширишда (сотиб олиш ва лизингга бериш) фоиз сиёсатини қўлланилишини ўрганиш

08 Лизинг объекти эксплуатацияси ва унинг техник ҳолатини мониторинг қилишни ўрганиш

Комплаенс нинг корхонада тутган ўрни

01

Коррупция корхонанинг қадр қимматини обрўсизлантиришга ва молиявий аҳволини пасайишига олиб келади.

02

Рақобатчи корхоналар мавжуд хавфларни бартараф этиш учун комплаенс тизимларини фаол равишда ташкил этишади.

03

Корхонанинг ҳар бир ходими комплаенс соҳасида содир этган қонунбузарлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

04

Коррупция нафақат корхонанинг инвестицион жозибадорлигига, балки мамлакатнинг инвестицион муҳитига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказади.

Комплаенс хизматининг асосий вазифалари ва масъулияти

01 Ўқитиш ва мувофиқлаштириш

- Хавфларни баҳолаш
- Энг яхши амалиётни жорий этиш
- Тренинглар ташкил қилиш
- Хизмат текширувлари ташкил этиш

02 Ҳисобот ва ҳамкорлик

- Мониторинг ва ҳисобот
- Раҳбарият ва таркибий бўлинмалар билан ҳамкорлик

03 Коммуникация

- Корпоратив меъёрлар тўғрисида суҳбатлар ўтказиш
- Ўзгаришлар тўғрисида ахборот алмашиш

04 Маслаҳатлашиш

- Жараёнларни ўзаро келишиш
- Ҳамкасбларга маслаҳатлар бериш

Комплаенс ва коррупцияга оид маълумотга эга бўлсангиз қуйидаги ишонч телефонига хабар беринг!



Тел.: 71-207-10-73;

email: info@aaleasing.uz

Ишонч телефони 24/7 давомида, сизнинг хизматингизда!